

ТУРЛИ ТИЗИМЛИ ТИЛЛАРДА СЎЗ ЯСАЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Рахматилло Мирзатиллаевич Шукуров

Фарғона давлат университети филология фанлари номзоди, доцент
shukurovr.m.10@gmail.com

Феруза Бохадировна Абдурахимова

Фарғона давлат университети таянч докторант
feruza.abdurahimova8818@yahoo.com

АННОТАЦИЯ

Ҳозирги кунга қадар сўз ясалиши, унинг ҳосил бўлиш турлари ҳақида жуда кўплаб фикрлар мавжуд. Ушбу мақолада инглиз ва ўзбек тилларида сўз ясалиши борасида қадимги тилшунослик ривожланиш давридан қилинган ишлар, янги сўзларни яшаш усуллари ҳар икки тилда мисоллар билан ёритиб беришга ҳаракат қилинган. Ҳозирги тилшунослик даврига келиб сўз ясалиши ҳар икки тилда ҳам алоҳида бўлим сифатида ажралиб чиққанлиги тушунтириб берилган. Мақолада ҳар икки тилнинг сўз ясалиш усули борасидаги еткази тилшунослар Арнольд. И.В., Qirk R. et al, Zapata A., Бортничук Е.Н., Аюб Ғуломов, Азим Ҳожиев, Рахматуллаев Ш.нинг ва бошқа тадқиқодчиларнинг илмий ишларига таянган ҳолда ўхшашлик ҳамда фарқли жихатлари мисоллар билан ёритиб беришга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: лексема, аффиксация, суффиксация, композиция, аббревиация, конверсия, деривация, префикс, редупликация, синтактик категория.

THE SPECIAL FEATURES OF WORD FORMATION IN DIFFERENT STRUCTURAL LANGUAGES

ABSTRACT

To this day, there is a lot of speculation about how the a new word is made and how it is produced. This article tries to illustrate the work done in the development of ancient linguistics on the formation of words in English and Uzbek, the methods of making new words with examples in both languages. It has been explained that in the modern age of linguistics, word formation has emerged as a separate section in both

languages. The article, based on the scientific work of I.V.Arnold, Quirk R. et al, Zapata A, Bortnichuk E.N., Ayub Gulomov, Azim Khodjiev, Sh. Rahmatullayev on the method of word formation in both languages.

Keywords: lexeme, affixation, suffixation, composition, abbreviation, conversion, derivation, prefix, reduplication, syntactic category.

КИРИШ

Лексика доимий ҳаракатда бўлиб, унинг ривожланиши ва бойиш йўллари турлича бўлади. Энг асосий ва унумли йўлларида сўз ясаш ва бошқа тилдан сўз олишдир. Сўз ясаши исталган тилнинг луғат таркибининг бойиш усулининг энг унумли усулларида бири ҳисобланади. Айнан мана шу омил сўз ясаши тилшуносликнинг долзарб мавзулари қаторига кириши учун сабаб бўла олади. Сўзларнинг ясаши ва унга доир масалалар тилшуносликнинг тарихий даврлардан ўрганилиб келинаётган объекти бўлиб, унга доир ҳар қандай масала ўрганиш учун муҳим омил ҳисобланади. Янги сўз одатда тилдаги бор материаллардан ҳосил қилинади.

Турли тизимли тилларда (ўзбек, инглиз ва рус) сўзларнинг ясаши умумий ҳарактерга эга эканлиги, барча тилларда сўзларнинг ясаши универсал хусусиятларининг мавжуд эканлигини англатади.

Сўз ясаши системасининг умумий ва фарқли хусусиятларини ўзбек, инглиз тилларида мисоллар орқали ёритиб беришга ҳаракат қиламиз.

XX асрнинг 50 йилларига келиб рус тилида сўз ясаши алоҳида соҳа сифатида тан олина бошлади. [15;33]

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Яқин кунларгача инглиз тилшунослигида сўз ясаши ё грамматика бўлимининг бир қисми ёки лексикология бўлимининг бир қисми сифатида қаралиб келинган. XX асрнинг 70- йилларига келиб герман тилларида сўз ясаши тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида шаклланган. Инглиз тилининг сўз ясаши тизими ўзининг ҳосил бўлиш ва қўшимчаларнинг грамматик хусусиятларига эга. [1;106] Ўзбек тилида эски таълимотга асосан сўз ясаши ва сўз ўзгариши морфология бўлимига киритилган. Албатта улар формал жихатдан ўхшаш, аммо функционал жихатдан бошқа-бошқа ҳодисалардир. Ўзбек тилида сўз ясаши тилнинг икки сатҳига тегишли бўлиб, сўз ясашида кўпроқ морфемалар билан боғлиқ бўлганлиги учун у асосан морфемика билан боғланган. Тайёр ясалган сўзда ясаши ҳосиласи бўлганлиги

сабабли, лексикогоия материалга айланади. Ўзбек тилида биринчи бўлиб профессор А.Гуломов олиб борилган изчил изланишлари туфайли, сўз ясаши ҳам инглиз тили каби морфемика ва морфология оралиғида алоҳида бўлимда ўрганилиши керак эканлигини биринчилардан бўлиб таклиф қилади. [11;5]
Сўз яшаш (word-building) ўзининг умумий номи остида луғат таркибини бойитишнинг жуда кўп хилма-хил усуллари ўз ичига олади. Ҳамма тилларда сўз ясаши учун умумий бўлган беглги янги лексема ҳосил бўлишидир. Инглиз тилида сўз яшаш тизимида иккита асосий янги сўзларни ҳосил қилиш усуллари: композиция ва сўзларни ҳосил қилиш ёки деривация усуллари кенг қўлланилади. Қуйида ўзбек ҳамда инглиз тилларида сўз яшаш усуллари кўриб чиқамиз. [1;107]

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Хинд-Оврупа тиллар оиласининг бошқа тилларида бўлгани каби, инглиз тилида композиция усулида сўзлар асосан иккита мустақил асосдан ҳосил бўлади. Ўзбек тилида ҳам композиция турида сўзлар яшаш мавжуд бўлиб у синтактик усул билан ҳосил бўлади.

Композиция (composition)- сўз ясашида қадимги, ҳозиргача унумли усуллардан бири ҳисобланади. Икки ёки ундан ортиқ асосларни бир-бирига қўшиш орқали ясалади.

Blackboard (доска- қора + тахта)

Inkpot (сиёхдон -сиёх + идиш)

Textbook (дарслик – матн + китоб)

Newspaper (газета- янгилик + қоғоз),

Snowdrop (бдаойчечак- қор + томчи)

Сўз ясашининг бундай усули инглиз тилида кўпроқ от ва феълларни, баъзан сифат, равиш ва олмошлар ҳосил қилишда ишлатилади. [1;107]

Ўзбек тилида ҳам композиция усули махсусдор сўз яшаш тури ҳисобланади. Ўзбек тилида икки мустақил сўз маълум грамматик шаклда бирикади ва бирикувчи сўзлар орасида грамматик муносабат сезилиб туради. Бу усул билан сўз яшаш бирдан ортиқ ясовчи асосни маъно ва мазмун жиҳатидан бириктириб, янги лексик сўз қўшма сўз ҳосил қилади. [14;30]. Қўшма сўзни содда сўздан фарқи шундаки, содда сўзда маъно билдирувчи компонент битта, қўшма сўзда эса бирдан ортиқ.

Масалан:

Кунгабоқар (кунга+ боқар)

Учбурчак (уч + бурчак)

Ерёнгоқ (ер + ёнгоқ)

Оққуш (оқ + қуш)

Билакузук (билак + узук)

Ушбу мисолларда келтирилган сўзларнинг барчаси икки компонентдан ташкил топган, аммо бир яхлит грамматик маънога ва фонетик бутунликка эгадир. Қўшма сўзлар орасида граммаик муносабат бўлмайди. Композицион усулда сўзлар ясашиши инглиз тилидаги каби ўзбек тилида ҳам от, сифат, сон, равиш ва қисман феълларда кенг тарқалган. [14;30]

Конверсия– сўзларни бошқа сўз туркумига кўчиши натижасида ҳосил бўладиган сўз ясашиш тури. Замонавий инглиз тилида унумли бўлган морфологик сўз ясашишидан кўра камроқ ривожланган морфологик-синтактик сўз яшаш усули, асл сўзнинг шакли ўзгармаган ҳолда, ёки конверсия усулида, ҳар доим янги синтактик ва морфологик ҳарактерга эга бўлади, чунки ҳосил бўлган янги сўз асл сўздан фарқли равишда янги сўз туркумига оид бўлади.[1;107] Конверсия сўз яшаш усулининг ҳеч қандай ясовчи бирликларсиз ва миқдор ўзгаришсиз янги сўз ҳосил қилишнинг ягона туридир. [3;92]

От

Феъл

arm/қурол, қўл - to arm/қуролланмоқ

doctor/шифокор - to doctor/даволамоқ

carpet/гилам - to carpet/гилам билан тўшамоқ

bottle/бонка - to bottle/бонкаларга қуймоқ, бонкада сақламоқ

work/иш – to work/ ишламоқ

Феъл

От

to help/ ёрдам бермоқ - help/ёрдам, ёрдамчи

to spray/кузатмоқ - spray/жосус

to catch/ушламоқ - catch/ушланган нарсалар

Сифат

Феъл

calm/ювош/сокин - to calm/тинчлантирмоқ

dry/қуруқ - to dry/қурутмоқ

empty/бўш - to empty/бўшатмоқ

yellow/сарик - to yellow/саргаймоқ

Конверсия термини Г.Суит томондан таклиф этилган. Бу сўз яшаш усулини асосли ёки суффиксларсиз, сўз вазифаларини ўзгартирган ҳолда сўз ясашишидир.

Ўзбек тилида бу усул морфологик-синтактик усулда сўз яшаш дейилади. бунда сўзнинг туркуми ўзгаради, натижада контекстда синтактик ҳолатнинг, гап ва сўз бирикмаларининг кучи билан юзага келади. [9;46] Ёки сўз формасининг лексик маъно касб этиши билан янги сўзга айланиши билан янги сўз ҳосил бўлиши, кўп маъноли сўзлар орасидаги боғланишнинг яъни семантик алоқанинг йўқолиши натижаси семантик маънонинг узилиши тушунилади. Бундай ходиса тилнинг кўп йиллар давомида ривожланиши натижасида аста секин юзага келади. [14;30]

Масалан: *Юпқа (қалин эмас) сифат - юпқа (овқат номи) от*
Кўк (ранг) сифат - кўк (осмон) от - кўк (тикишнинг бир тури) от -
кўк (ўт ўлан) от
Кун (сутканинг бир қисми) равиш - кун (қуёш, планета) от

Бир лексик-грамматик категориядаги сўз бошқа категориядаги сўз ўрнида қўлланиши ҳам мумкин. [9;46]

Масалан, *Ишлаган тишлар*- бу мақолда *ишлаган* сўзи асли феълнинг сифатдош шакли от ўрнида қўлланган.

Бир каттанинг гапига кир, бир кичикнинг- мақолида *катта, кичик* сифатлари от ўрнида қўлланган ва уларнинг синтактик вазифаси кўчган яъни сўз ўзининг аввалги синтактик вазифасидан чекиниб, янги синтактик вазифага кўчган. Бундан чиқди, унинг синтактик қуршови - қандай сўзлар билан боғланиш ҳолти ҳам ўзгарган. Бундан шуни англаш мумкинки, бир лексик-грамматик категориядаги сўзнинг бошқа категорияга ўтиши янги сўз яшашнинг бир кўринишидир.

Аффиксал сўз яшалиши ёки бошқача қилиб айтганда аффиксация ёки деривация ёки сўз ҳосил қилиш (derivation) яъни асосга сўз ясовчи элементларни қўшимча ва префикслар қўшиш орқали янги сўз ҳосил қилиш. Бунда сўз яшалишининг префиксли, суффиксли ва префикс-суффиксли усуллари мавжуд.

Масалан: *lucky* сўзи *luck* асосга –у қўшимчасини қўшиш орқали, *unlucky* сўзи эса *lucky* сўзига-*un* префиксини қўшиш орқали сўз ясалмоқда.

Luck-luck+у (суффикс) = lucky (бахтли, сифат)

Un (префикс) + luck + у (суффикс) = unlucky (бахтсиз, сифат)

Lucky ҳамда *unlucky* сўзларига –*ly* равиш ясовчи қўшимчани қўшиш орқали равиш ясалади.

Luckily, unluckily

Ўзбек тилида аффиксация усулида сўз ясашиши кенг қўлланувчи ваунумли сўз яшаш усулларида бири ҳисобланади. Сўз ясашишида суффикс яъни сўз ясовчи қўшимча сўз охирига қўшилади.

Ишчи – иш + чи

Ишхона – иш + хона

Ишла – иш + ла

Теримчи – терим + чи

Ўзбек тилида инглиз тилидан фарқли ўлароқ сўз яшаш учун префикслар мавжуд эмас. Бироқ тожик тилидан ўзлашган айрим сўз ясовчиларгина сўз ясовчи асосга унинг олдида қўшила олади.

Нотғри – но + тўғри

Серҳаракат – сер + ҳаракат

Камгап – кам + гап

Серунум – сер + унум [14;32]

Товуш алмашиши (sound interchange)- сўз ясашишининг унумсиз усули, бунда асоснинг фонетик шакли ўзгаради.

Унли товушларни алмашиши орқали сўз ясашиши:

bite (v) – bit (n), food (n) – feed (v), sing (v),- song (n)

Ундош товушлар орқали сўз ясашиш:

Prove(v)-proof(n), to excuse [z];(v) – excuse [s];[n],

to house [z];(v) – house [s];[n], to grease [z],(v) – grease [z];[n],

to close [z];(v) – close [s];(adj).

Аралаш товушлар алмашиши орқали сўз ясашиши:

Bath-bathe, breath-breathe, loss-lose, choice-choose

Урғуни кўчириш билан янги сўзлар яшаш.

Илгари инглиз тилида сўз ҳосил қилиш усулларида бири урғуни кўчириш орқали янги сўз ҳосил қилиш тури бўлган. Замонавий инглиз тилида баъзи сўзлар сақланиб қолган, турли хил сўз туркумларига таалуқли ва фақатгина урғу билан фарқланади. Бундай сўзларда от ва сифат сўз туркумига мансуб сўзларда урғу биринчи бўғинга тушади, феълларда иккинчи бўғинга:

Impo'rt (от, импорт) – to impo'rt (феъл, импорт қилиш)

Pre'sent (от, совға) – to prese'nt (феъл, совға қилиш)

Fre'quent (сифат, тез-тез) – to frequ'ent (тез-тез ташириф буюрмақ)[1.108]

Ўзбек тилида ҳам сўзнинг таркибида фонетик ўзгариш яъни товуш ўзгариши орқали янги сўз яшаш мавжуддир. Бундай йўл билан сўз яшаш икки хил амалга оширилади.

1. Сўзнинг таркибида фонетик ўзгариш қилиш орқали янги сўз ясалади: Маслан: *тун* ва *кун*, *бит* (*яраси битди*, *иш битди*- тугалланди маъносида) ва *бут* (тугал, феъл ва сифат), *ака-ука*.

Бўр - *бўз*(*бўз* сўзи оқ тусни билдиради; ранги *бўзарди*- оқарди каби, оқ тусли мато ҳам *бўз* дейилган), *бўр* сўзи ҳам оқ, оқиш предметни билдиради: *бўр-мел*, *бўри*-оқиш рангдаги жонивор, демак қадим *бўр* ва *бўз* сўзлари бир-бири билан алоқадор бўлган, улар товуш ўзгариши (*р-з*) билан бир-биридан фарқланган-ясалган. [9;22] Яна *тоғ* - *тош*, *кўз* - *кўрмоқ*, *тош* - *тиш*, *қимир-қимиз* сўзлари ҳам фонетик усулда сўзлар ясалишига мисол бўла олади. Бу усулда сўз яшаш қадимги усуллардан бўлиб, ҳозирги тилда унумли сўз яшаш усули ҳисобланмайди. Аммо, қадимда ҳам кенг қўлланилмаган. Бу усулнинг асосий хусусиятларидан бири шундан иборатки, предмет, ҳодисалар, ҳаракатлар ажралиб-фарқланиб бориши билан уларнинг номлари ҳам фарқланиб борган. Бунда бир сўз ҳам предметнинг ўзини, ҳам унинг ҳаракатини билдирган бўлса, кейинроқ улар ўзакнинг таркибини ўзгартириш орқали икки сўзга айлантирилган. (*кўр-кўз*). Янги сўзларни бу усулда ҳосил қилишда, товуш алмаштириш, товушларнинг қаттиқ-юмшоқлиги, унлиларнинг узун-қисқалиги, ундошларнинг такрорланиши, товушларнинг ўрин алмаштириши каби хусусиятларига эътибор қаратилган. [9;26]

2. Шунингдек урғуни ўрнини кўчириш орқали ҳам сўз яшаш усули мавжуд. Бу усул ҳам фонетик сўз яшаш усули бўлиб, урғунинг ўрнини ўзгартириш билан янги сўз яшаш:

Янги (сифат)- *янги (равиш)*

Ҳозир (равиш) - *ҳозир (тайёр)*

Тугма (от) - *тугма (феъл)*

Академик (унвон)- *академик (нашр тури)*[14;30]

Қисқартириш (clipping, shortening, abbreviation). Бунда асл сўз семантикасини, лексико-грамматик категориясини йўқотмаган ҳолда бир ёки бир нечта товушга қисқартирилиб, натижада янги номинатив birlik ёки инвариантининг юзага келиши тушунилади. Қисқартма сўзлар расмийлик кам бўлган муҳитда ишлатилади ва бунинг учун сўзловчи ва тингловчи нима ҳақида гап кетаётганини тушуниши ва англаши керак бўлади. инглиз тилида лексик birlikларнинг қисқартмалари структурал жихатдан 3 турга бўлинади. [3;161]

1. Клиппинг (Clipping) - бошқа сўзларни қисқартириш орқали ҳосил бўлган сўзлар.

Масалан, *vacation-vac, telephone-phone, advertisement-ad or advert, examination-exam, gymnasium-gym, laboratory-lab, photograph-photo, professor-prof.*

Қискартириш сўзни тўлиқ ифодалайди, аммо у сўзнинг асосий қисми бўлиши шарт эмас на просодик на семантик томондан. Шунингдек, қисқартма сўзлар тўлиқ сўзлар билан битта контекста ёнма-ён ишлатилмайди. Масалан, *exam* сўзи имтихон ёки тест маъносини англатади, тиббиёт имтихони ва тиббий текширувларни назарда тутмайди

2. Бош ҳарфлар қисқартмаси (abbreviations and acronyms). Сўз, ибора ва гапларнинг бош ҳарфларидан янги сўз тарикасида ташкил топган бўлиши мумкин. Масалан,

LASER – light amplification by stimulated emission of radiation
(нурланишининг стимуляция қилинган эмиссияси билан ёруғликни кучайтириш) [15;33]

NATO-North Atlantic Treaty Organization (ташкилот номи)

UFO- unidentified flying object (номаълум учар жисм)

Quirk et al (1985) фикрича бу турдаги қисқартмалар ўз ичида икки турга бўлинади:

а) Сўз каби талаффуз қилинадиган қисқартмалар:

NASA -National Aeronautics and Space Administration

radar -radio detecting and ranging

UNESCO -United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization

BASIC - Beginners' All-purpose Symbolic Instruction Code

COBOL -Common Business Oriented Language

б) Инглиз алифбоси ҳарфлари орқали талаффуз этиладиган қисқартмалар:

C.O.D. = cash on delivery

VIP = very important person

FBI = Federal Bureau of Investigations

Қисқартмалардаги ҳар бир ҳарф бир сўзга тенг ёки қисман сўзга ва иборага тенг бўлади.

TV = television, *TB* = tuberculosis

баъзи қисқартмалар эшитилгандек ёзилиш мумкин

Deejay - *DJ* = disk jockey, *Emcee*- *M.C.* = Master of Ceremonies

3. Блендинг (Blending) - икки сўзнинг қисмларини би-бирига қўшиш орқали янги ҳосил қилинадиган сўзлар, одатда бир сўзнинг бошқи қисмини иккинчи сўзнинг охири қисмини қўшиш тарзида юзага келади. (cf. Godby et. al, 1982)

Масалан, *smog* (*smoke+fog*), *brunch* (*breakfast+lunch*), *heliport* (*helicopter+airport*), *motel* (*motor+hotel*)

Қуйидаги сўзлар блендинг орқали қисман қисқартиришнинг умумий мисоллари:

Eurovision (*European+television*), *multiversity* (*multiple+university*), *newscast* (*news+broadcast*), *telecast* (*television+broadcast*), *travelogue* (*travel+catalogue*)

Quirk et.al. (1985) фикрига мувофиқ Инглиз тилида сўз ясашда *acronym*, *clipping* ва *blending* қисқартиришнинг турлари янги сўз яшанинг сермахсул усуллариандир. Аммо тадқиқотчилар орасида инглиз тилида сўзларни қисқартириш янги сўз яшаш турига кириши ҳақида аниқ фикр йўқ. Баъзи тадқиқотчилар (Е.А.Земская, Е.С.Кубрякова, П.М.Карашук ва бошқалар) "Қисқартириш - сўз яшаш жараёнидир унинг натижасида махсус моделлар, структур-семантик схемалар орқали ҳосил бўлган ясама бирликлар пайдо бўлади", десалар, бошқалари эса (Р.З.Гинзбург, С.С.Хидекель, Г.Марчанд ва бошқалар) " Қисқартиришни сўзларни моделлаштирмаган ҳолда сўз яратиш", деб атайдилар.

Ўзбек тилида бундай усулда сўз яшаш, сўз бирикмаси таркибидаги асосан отли бирикмаларни турли тарзда қисқартиришдир. Қисқартма сўзларнинг пайдо бўлишига сабаб, мураккаб тил бирлигини ихчам ифодалаш усулидир. Ҳозирги ўзбек тилида отлар яшаш техникаси жихатидан бир қанча кўринишлари мавжуд. Қисқартириш бош ҳарфларини ёки биринчи бўғинни қолдириш орқали қисқартирилади.

УзССР, райком, райишроком, ТошПИ, Тошунивермаг, ОТМ, ФарДУ.

Ўзбек тилида бундай усулда сўз яшаш А.Ҳожиев фикрича бу усул сўз яшанинг моҳияти ҳақиқий сўз яшаш усули эмаслигини айтиб ўтади. Ш.Рахматуллаев фикрича аббревиатура асли турғун бирикмага тенг атамани ихчам ифодалаш учун ўйлаб топилган, бундай қисқартмани сўз деб, сўз ясалишининг бир тури деб баҳолаш тўғри эмас. Биз ҳам шу фикрга қўшилган ҳолда, сўз яшанинг асл мақсади янги сўз ҳосил қилишдир, лекин аббревиация усулида сўз, сўз бирикмаларининг қисқартирилган шакли берилди. Қисқартма асл ҳолига келтирилса улар яна сўз бирикмаси ҳолига қайтади.[10;30]

Лексемаларнинг ичида аббревиатуралар алоҳида ўрин касб этади. Аббревиатуралар сўз ясалиши ҳосиласи бўлган ясама сўзлар эмас, унинг сўз ясалишига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Аббревиатура билан тўлиқ кўриниш бир инвариантнинг 2 хил варианты - бири тўлиқ намуна, иккинчиси эса қисқарган вариантдир. [13;50]

БМТ - Бирлашган Миллатлар ташкилоти

ДХХ - Давлат ҳавфсизлик хизмати

Шундай қилиб, қисқартириш (аббревиация) усули ёрдамида янги сўз лексема ҳосил бўлмаслиги натижасида, бу усулни сўз яшаш усули деб атаб бўлмайди.

Такрорлаш (reduplication) Асосни такрорлаш орқали сўзлар ясалиши. Бундай сўзлар морфология бўлимида ўрганишга доир, чунки ҳосил бўлган лексик бирлик албатта товушлар жамланмаси (сўз) билан боғлиқ. Агар асос ёки негиз тўлалгича такрорланса бу жараён тўлиқ такрор (complete or total reduplication) деб аталади ва ҳосил бўлган такрор кўшма такрор (repetitive compound) деб айтилади. Агар ўзак ёки асоснинг бир қисми такрорланса, бу жараён қисман такрорлаш (partial reduplication) деб айтилади ва такрорланувчи қисм такрорий булак (reduplicative) деб айтилади. Бундай такрорлар ўзак ёки асоснинг бошида, ўртасида ва охирида келиши мумкин, (cf. Nida, 1949); бироқ, такрорлар сўзнинг бошида ва ўртасида одатийдир.

Масалан: *tur-tur*, *yo-yo* (ўйинчоқ номи)

Инглиз тилида қисман такрорлаш, тўлиқ такрорларга нисбатан кўп учрайди. Quirk et.al. (1985) нинг фикрича ҳар икки турдаги такрорлар- **такрорий** ёки **оҳангдош** (reduplicatives or jingles) сўзлар дейилади. Тўлиқ такрорларга мисол,

bye-bye (хайр), *goody-goody* (хушомадгўй инсонларга нисбатан)

Қисман такрорларга мисол

walkie-talkie (рация) , бундада такрорлар дастлабки ундош товушларида фарқ қилади, ёки ўрта унли товушларида, *criss-cross* (кесишмоқ ёки кесишган).

Тадқиқотчиларнинг фикрига асосан кўпгина такрорий сўзлар расмий ва одатда норасмий тарзда ишлатилади, чунки улар кўпроқ ота-она ва фарзанд орасидаги мулоқотда намоён бўлади.

Масалан, *din-din* (dinner)- кечки таом

Quirk et.al. (1985) таъкидлашича, такрорий сўзларнинг асосий ифодаланиши қуйидагича:

1. Товушларга тақлид, *rat-a-tat* (эшик қоқиш), *tick-tack* (соат овози), *ha-ha* (кулиш), *bow-wow* (итнинг хуриши)

2. Кўшимча ҳаракатга билдирганда, *see-saw* (качеля), *flip-flop* (слансы- оёқ кийими), *ping-pong* (стол тенниси)

3. Беқарорлик, бемаънилик, носамимийликни ажратиш учун, *higgledy-piggledy*, *hocus-pocus*, *wishy-washy*, *shilly-shally*

4. Маънони кучайтириш учун, *tip-top*, *teeny-weeny*

Арнольднинг фикрига кўра такрорлаш орқали ҳосил бўлган лексик бирликларда ясалиш формаси бор ва бу албатта сўз ясалиши билан боғлиқ бўлади. [1;108] Аммо ҳозирги кунда сўз ясалиш таснифида сўзларнинг асосини такрорлаш орқали янги сўзлар ясалиши киритилмаган.

Ўзбек тилида ҳам инглиз тили сингари такрорлаш орқали сўз ясалиш усули мавжуд ва у сўз ясалиш тизимида янги сўзларни ҳосил қилишнинг қадимги усулидан бири ҳисобланади. Маслан, *пақпақ* сўзни такрорлаб, қўшма ҳолга келтириш орқали янги сўз ҳосил қилинган. Ўзбек тилида такрорларнинг кўринишлари кўп, оддий такрорлар ва иккилантириш орқали юзага келган такрорлар. Оддий такрор маънони кучайтириш, эмоционал бўёқдорликни, интенсивликни ошириш учун хизмат қилади.

Масалан, *тезроқ, тезроқ юр.*(тезлик маъноси кучайтирилади) *У тез-тез гапирди.*(Бу такрор иккиланиш бўлиб у ҳаракатнинг такрорланиши, узоқ давом этиши каби маъноларни ифодалайди.)

Тур-тур кетамиз,-деди акаси. (Эртак)

Эрта тонгда тур-тур бошланди. (эрталаб уйғониш)

Ая, нега бибин келяпти. (Муштум) *бибин, бибин* -болалар нутқида автобус. [9;38]

Бундан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, такрорлаш (редупликация) ўзбек тилида икки хил характерга эга: *сўз ясаиш воситаси* ва *грамматик восита*. Грамматик характерга эга бўлганда, у предметнинг кўплиги, белгининг оширилиши, маънонинг кучайиши, ҳаракатнинг такрорланиши ва узоқ давом этиши ва ҳаказо. Такрорлар орқали янги сўзларни ҳосил бўлиши бу одамларнинг нутқи, замон талаби билан боғлиқдир. Масалан, *манмансирамоқ* - ўзни юқори олмоқ ёки худбин маъносида. Бу сўз салбий маънода ишлатилиб, олмошнинг иккиланишидан ҳосил бўлган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, инглиз ва ўзбек тиллари бошқа тил оилаларига мансуб бўлса ҳам сўз ясалишида умумийликка эга эканлигини кўришимиз мумкин. Ҳар икки тилда энг сермахсул ва етакчи сўз ясалиш усули аффиксация ҳамда композиция эканлиги, фонетик сўз ясалиш усули деярли ўз махсулдорлигини йўқотганлиги бу тилларда сўз ясалишининг умимийлик белгиларидир. Гарчанд ўзбек тилида А.Ҳожиев фикрига мувофиқ композиция усулида сўзлар ясалиши рад этилган бўлсада, тилда қўшма сўзларнинг мавжудлиги, у тилда мавжуд лексик бирликлар асосида ҳосил бўлганлиги, сўз

ясалишини асосий қоидаларидан бўлган янги луғавий маъно ҳосил қилиши, луғат таркибига киритилганлиги уни янги сўз яшаш усули таркибига киритилишига етарлича асос бўлиб хизмат қилади деб ўйлаймиз.[16;1647] Инглиз ва ўзбек тилида аффиксация усулида сўзларнинг ясалишида суффикс ҳамда префиксларнинг ишлатилиши ҳам уларнинг универсаллигига мисол бўла олади. (ўзбек тилида префикслар бошқа тилдан ўзлашган бўлишига қарамасдан.).

Инглиз ҳамда ўзбек тилида аббревиация усулида сўзлар ясалиши бир хил хусусиятларга асосланган бўлиб, уларнинг чуқурроқ тадқиқ этилишига кейинги ишларимизда батафсил тўхталиб ўтамиз.

Лексемалар қайси усул билан ҳосил қилинмасин, янги лексема юзага келганидан кейин у тил бирлигига айланади; бу жараён яқунланганидан сўнг бўладиган жараён бу тил бирлигининг ички тахлили. Сўз ясалиши ҳар бир тилда мавжуд ва у доимий жараён бўлганлиги учун ва тилнинг луғат фондининг бойишида муҳим ўрин тутганлиги учун ҳар бир тилда бу тизимда универсал ҳамда фарқли жihatлар мавжуд бўлиши табиийдир. Вақт ўтгани сари тилшунослик ривожланиб бораверади ва тилда янги сўзлар пайдо бўлиши давом этаверади.

REFERENCES

1. Арнольд И.В. Основы научных исследований в лингвистике: Учеб. пособие. — М.: Высш. шк., 1991. — 140 с.
2. Арбекова Т.И. Лексикология английского языка.- М.,1977.
3. Бортничук Е.Н., Василенко И.В., Пастушенко Л.П., Слово образование в современном анлийском языке.-Киев.: "Вища школа",-1988, 260с
4. Гуломов А. Ўзбек тилида сўз яшаш йўллари ҳақида. –Тошкент, 1949.
5. Гуломов А. Ўзбек тилида тарихий сўз ясалиш масалалари: Фил.фан.док. дисс. Автореферат. -Тошкент, 1955.
6. Мирзақулов Ш. Ў. Ўзбек тилида сўз ясалиш маъноси ва парадигмаси. АКД. - Самарқанд.1995.
7. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи.– Тошкент.: Ўзбекистон, 2002
8. Рахматуллаев Ш.,Ҳозирги адабий тили.-Тошкент.:Университет,2006
9. Ўзбек тили грамматикаси.-Тошкент.: Фан,1975. №1
10. Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши. –Тошкент.: Ўқитувчи, 1989.
11. Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. –Тошкент.: Ўқитувчи, 2007.

12. ҲожиёвА. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясашининг назарий масалалари.– Тошкент.: Фан, 2010
13. Ҳожиёв А., Нурмонов А., Махмудов Н., Спорные вопросы словообразование тюркских языков. - Советская тюркология, 1989, №3
14. Сапов К. Ҳозирги ўзбек тили.– Тошкент.: 2009
15. Султонова С.М. Национально-культурное своеобразие суффиксального словообразования в русском, казахском и английском языках. –Уфа. 2020.
16. Шарипов Г.Ф., Алиқулова М.Б.(2021), Сўз ясаши тарихига доир муносабат//Academic research in educational sciences volume 2 | issue 4 | 1639-1648
17. Valerie Adams. An Introduction to modern English Word-Formation.- London and New York.: Longman, 1973
18. Quirk R et al. A Grammar of contemporary English. -London.: Longman,-1972
19. Zapata A. (2007) Types of Words and Word-Formation Processes in English. Ingle`s IV, (B-2007),-1-23p